



Ислом беш устунга бино қилингандир

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ислом беш устунга бино қилингандир: «Лаа илааҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ», деб шаҳодат айтишга, намозни тўқис адо этишга, закот беришга, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутишга», – дедилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда Ислом динини беш устун устига қурилган мустаҳкам бинога ўхшатдилар. Исломнинг бошқа хислатлари бинонинг тўлиқловчи ўрнида. Бу рукнларнинг биринчиси: икки шаҳодат; Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг расули эканлигига гувоҳлик бериш. Бири иккинчисидан айрилмайди. Банда Аллоҳ таолонинг ягоналиги ва ибодатга фақат Унинг Ўзи лойиқ эканини эътироф этиб, унинг маъносига амал қилиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиб, иймон келтириб гувоҳлик беради. Иккинчи рукн: намозни қоим қилиш: Улар бир кеча-кундузда ўқиладиган бешта намоз: бомдод, пешин, аср, шом ва ҳуфтонни шарти, арконлари ва вожиботларига амал қилган ҳолда ўқиш. Учинчи рукн: фарз закотни бериш. У мол билан бўладиган ибодат бўлиб, шариатдаги маълум миқдорга етгач ҳақли одамга берилади. Тўртинчи рукн: ҳаж – Маккага ҳаж амалларини бажариш ва Аллоҳ таолога ибодат қилиш учун бориш. Бешинчи рукн: рамазон рўзасини тутиш – бомдоддан то шомгача ейиш, ичиш ва бошқа рўзани бузувчи нарсалардан Аллоҳга ибодат қилиш ниятида тийилиш.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65000>

